

Қизиқарли сарфология

Араб тили сўз тузулиши асоси

Тузувчи: Ильнур Сарбулатов

Дарсликнинг ягона мақсади: "Қизиқарли САРФология" дарслиги фақат биргина мақсад учун аталган:

Луғатда сўзнинг ЎЗАГини топиш

Ушбу билим билан, мунтазам шуғулланиш давомида, аста-секин араб матнларини ўқиш ва тушуниш қобилияти ривожланади. Бу эса – билвосита тилни билишдир.

Шу билим натижаси – мендан мустақил билиш, "эркин, очиқ сузишга чиқиш".

Назарий қисм: ўқиш – қоидаларни ўрганиш

Тажриба – қоидадан ташқаридагиларни ўрганиш

"Бу бўлиши мумкин эмас" – деди тажриба

"Бу ақлсизлик" деди сабаб

"Бу нотўғри" бонг урди кибр

"Бир уриниб кўрчи" пичирлади орзу

Чет тилларини ўрганишга бағишланган китоб, мақолалар кўп ва уларга бирор тўлдириш киритишни ҳожати бўлмаса керак.

Лекин қимматли тажрибадан хулосалар қилиш – ҳаётий зарурият. Бир йўлдан кетаётганлар бар-бир ўхшаш муаммоларга дуч келадилар. Ҳар бир муаллиф ўзининг "такрорланмас" методикаси бўйича тил ўқитаётганига эътибор берманг. (Кўпинча бу ундай эмас).

Таълим асос ва тамойиллари бир хилдир. Араб тилини ўрганиш жараёнида уларни тушуниб олиб, бу асос ва тамойилларни исталган жабҳада, ошпазликда, боксда ҳатто фишт тайёрлашда ҳам қўлласа бўлади.

Велосипед ихтиро қилиш фақатгина ақлсизлик эмас, балки зарар ҳамдир. Нима учун биздан олдин кимдир асос солиб, тажрибадан ўтказган нарсага вақт кетказиш керак.

Араблар: "Бошқалар хатосига қараб ўрганадиганлар бахтлилардир", дейдилар. Шунинг учун келинг биз ҳам бахтлилар орасига қўшиламыз.

Гоҳида ўзимизни ўтказган вақтимизни хотирлаб, катта афсус билан: "Бу йўлларни босиб ўтган, ҳамма тузоқ, чуқурликлар қаерда беркитилганини биладиган одам ёнимда бўлмагани учун кўп вақт йўқотдим", дейсиз ўзингизга.

Ҳа сиз ўзингиз илмий машаққат йўлидан юриб, тонна тонна сочилиб ётган маълумотларни тўплашингиз, тартиблашингиз ва таҳлил қилишингиз мумкин.

90-йилларда араб тилини ўрганишни бошлаган мен ва менга ўхшаган талабаларга қийин бўлган. Ўша даврда интернет йўқ эди, китобларни топиш ҳозирги даврдан кўра анча қийин эди.

1997 йил Мисрга келганимда араб тилида эркин ўқиб гаплаша оладиган рус талабаларини бармоқ билан санаса бўлар эди.

Ҳозирги кунда шароит бутунлай ўзгарди... Араб тилида китоб ўқиш ва гаплашиш бугун ажабланарли иш эмас.

Шунинг учун очифини айтаман:

"Шундай экан. Турли хил хатолар тўрига илиниб юргандан кўра, тайёр тажрибага таянилса бўлмайдими!?"

Нима учун қийналиб умуман кераксиз нарсалар билан ўралашгандан кўра ажойиб араб тили дунёсига шўнғимаслигимиз керак?

Ёдда тутинг!

"Энг катта йўқотиш – бу вақтни йўқотиш!"

Демак бошланишига ҳамма асосий методикаларни мағзини аниқлаб оламиз. Бу чуқур тушунилган шахсий амалиётдир!

Амалиёт ҳаммасини ҳал қилади. Услуб ва йўналишлар ҳаммаси иккиламчидир!

Кўпгина устозлар мана шу фикрни талабаларга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Устозлар бу фикрни қанчалик яхши етказа олмасалар талабалар шунчалик олдинга силжийдилар.

Илм эгаси бўлиш учун шахсан ўзингиз ўзингиз устида ишлашингиз керак.

Ҳа сизга ёрдам беришлари мумкин, лекин ҳеч ким сизга асосий илмни бера олмайди. Араб тилини билиш – бу шахсий машаққатли меҳнат самарасидир.

Масалан талаба сўзини олайлик. Бу сўз лотин тилида студент бўлади ва иккала сўзнинг маъноси "Илм талаб қилувчи" дир.

Шунинг учун ким уни, кимдир ўқиш, ёзиш ва араб тилида гаплашишга ўрганиб қўйишини кутса, у кўп вақт, пул ва асаб кетказди. Буни ёдингизда тутинг...

Кўпчилик турли хил услубларни қидириш билан бўлиб энг асосийсини ёддан чиқаради. Бу ишладир!

Сизнинг ўрнингизга ҳеч ким ҳеч нарса қилмайди. Мен бунга кафилман!

Устознинг асосий вазифаси талабага тилнинг дақиқ жойларини тушунтириш ва ўз устида ишлаш кераклигини етказишдир.

Оддий қилиб айтганимизда араб тилини ўрганиш биргина тенгламада ўз аксини топган:

АМАЛИЁТ кўпайтирув

1) Араб тилини нима бўлса ҳам ўрганиб олишга интилиш + 2) ВАҚТ + 3) ЯХШИ УСЛУБ = НАТИЖА

Хўп амалиёт масаласида ҳамма нарса тушунарли...

Энди сизни ишлашга ундовчи "чуқур интилиш" ҳақида ибратли мисол келтирсак.

Тасаввур қилинг сиз одамхўрлар оролига тушиб қолдингиз ва улар сизга ўз шартларини тушунтириб қўйишмоқда: "Агар 2 ой ичида бизнинг тилда гапирмасанг биз сени майдалаб, кейин еб қўямиз. Ана кўр биз ҳазм қилиб юборган одамларнинг калла суяклари ҳар қаёқда ётибди.

Қўл ва оёқларингдаги бармоқлар сонини тирноқларинг сонига кўпайтирганда неча чиқса бир кунда шунча сўз ёдлайсан, бўлмаса...

Ҳозироқ бошлаймиз, вақт кетди!"

Менимча бу "мулойим" сўзлар кўпларнинг катта қахрамонликларга ундайди. Бундай шароитда бир эмас балки икки тилни ҳам мукамал эгаллаб олсангиз керак.

Бир куни Имом Шофейдан: "Илм талаб қилишга интилишинг қандай?" деб сўрадилар.

У кишини сўзларини ёзиб деворга осиб қўйинг

"Илм эшитаётганимда қулоқларим роҳатлангандек роҳатланиш учун бутун баданим қулоқларга айланиб қолишни хоҳлайди", дедилар имом Шофеъий.

Ундан "Илмга қандай интиласан?" деб сўрадилар, у: "Кўпгина одамлар бойлик ортидан қувганларига ўхшаб", деди.

Ундан яна: "Илмни қандай қидирасан?" деб сўрадилар.

"Она ёлғизгина боласини қидиргандек қидираман", деди улуғ имом.

(Унинг сўзлари талабаларга ҳақиқий ибратдир).

Аниқки араб тилини сифатли даражада ўрганиш учун вақт керак.

Бир кунда камида бир ярим, икки соат шуғулланишни мўлжал қилинг. Айниқса бошланишида. Ҳеч бўлмаса 15 минут. Агар вақтим бўлмайди десангиз, унда бошлашдан

олдин ўйлаб кўринг. Ўйлаб кўргунингизгача вақт ҳам ўтиб кетади, қизиқишингиз ҳам сўниб қолади.

"Тил ўрганишга вақтим йўқ-да" деяётганларни ўз ҳолига қўйинг. Хоҳлаганга хоҳлагани. Демак уларга аслида тил ўрганиш унчалик қизиқ эмас.

Ким ҳақиқатда қизиқса албатта вақт топади.

Бунинг сири бир саволда яширинган: "Нима учун менга бу араб тили керак?" Агар шу саволга жавоб топсангиз вақт ҳам топилади.

Маслаҳатим шуғулланишга аниқ вақт белгиламанг. Қачон вақт бўлса, ўшанда шуғулланинг.

Ҳар куни 10 тадан сўз ёд олиш, бир ҳафтада бир ўтириб 200 та сўз ёд олгандан яхшироқ. Бир ўтиришда 200 та сўз ёд олиш сизни зарарингизга бўлиб, тилдан безитиб қўйиши ҳам мумкин.

Бир кунда бир сўздан бошлашингиз ҳам мумкин, шунда бир ойдан сўнг икки сўзга чиқасиз, яна бир ойдан сўнг уч сўз ва ҳоказо...

Ҳеч қачон машаққатсиз бирор нарсага эришиб бўлмаслигини доимо ёдингизда тутинг.

Уқиб олинг! Одам қанчалик фойдали ишлар билан банд бўлса, у шунчалик кўп нарсага улгуради. Унинг ишлаш фаолияти кучаяди ва вақтида барака пайдо бўлади. Бир яхши одам иккинчисини ўзига тортади.

Ҳар бир дақиқадан имкони борича фойдаланиб, мақсадга етиш йўлида ҳар қандай вақтни банд қилишингиз лозим. Дарвоқеъ, мен сизга ҳозир тайм – менеджментнинг асосий сирларидан бирини айтиб қўйдим.

"Фойдали ўрганиш услубларини қўллаш керакми?" деб сўрашингиз мумкин. Албатта яхши услуб керак, жуда бўлмаса вақтни тежаш учун.

Фойдали услуб жуда оддий! Сўз тузилишининг асосий тамойиллари ўргангандан сўнг сизни қизиқтирган китобларни баланд овозда ифодали ўқиш керак.

Лекин бу нарса осон кўчади дейилса ишонманг. Меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат. Бу қонун, арзигулик нарсага осонлик билан эришиб бўлмайди.

Демак, амалиёт (кучли интилиш + вақт + яхши услуб) = сифатли натижа!

Энди нозик масалага, маслаҳатларга ўтсак. Кўп усул ва қўлланмалардан мен сизга ўзимда синаб кўрганларимни келтираман.

1. А4 ёки А3 форматидаги қоғозни кўз кўп тушадиган жойга осиб қўйинг. Ўзингиз ўз қўлингиз билан араб тилини ўрганиш харитангизни чизинг. Эски бир оддий қалам, ўткир зеҳндан баъзида фойдалироқ бўлиб чиқади. Ҳар бир билиб олган нарсангизни сарлавҳасини ёзиб боринг.

Бир варақ қоғоз сарфга, бири наҳвга ва яна бири янги сўзларга...

2. Ҳар бир матн устида ишланганда, ҳар бир сўз ва жумлаларни аниқлаштириш лозим. (Араб тилида ҳам, она тилида ҳам).

Мактаб болаларига дарс бериш тажрибамга суяниб бемалол айта оламанки, кўпгина илмий жумлалар талабаларни чалғитиб қўяди.

Янги сўзлар ва сўзларнинг ўзагини бир кундаликка ёзиб юринг. Сизга қийин бўлса ҳам албатта ёзиб боринг.

Тушкунликка тушиб қолганингизда бир варақласангиз меҳнатингиз ўзингизга кўринади.

3. Яна бир муҳим нарса, сиз албатта араб тилида шахсий кундалик тутинг.

Кун бўйи нима қилганингизни ёзиб юринг. Нечада турганингиз, қачон нонушта қилганингиз, кимни учратганингиз ва ҳоказо.

Билингки, буни сиз кимдир ўқиши учун ёзмайсиз, балки асосийси ёзинг!

30-40 дақиқа кунига.

4. Ёқтирган бир арабча матнни она тилингизга ўгилинг, сўнгра уни яна арабчага ўгилинг. Ҳар бир номутаносиблик ва хатоларни белгиланг. Бу албатта фойда беради.

Матн ўз аслига иложи борича яқинлашсин. Бу сезиларли даражада тилга, хотирага ва қунтга фойда беради.

Бу усулни мен "эсперантистлар" дан ўрганганман.

5. Ўқишга киришинг. Баланд, аниқ, дона-дона ўқинг. Бу жуда муҳим.

Абу Ҳилол ал-Аскарӣ ёзади: "Қишлоқлардан бирида бир ёш болани кўрдим. У жуда равон ва балоғатли гапирар эди, бошқа одамлар яхши гапирмас эдилар. Ундан сабабини сўраганимда, у: "Жаҳҳоз" номли китобдан ҳар куни 50-бет баланд овоз билан ўқишга ҳаракат қилдим", деди.

Китоб – таълим қуроли, ўқиш – натижа кафолати. Яхши ўқисангиз албатта фойда оласиз.

Биргина ўқишни ташлаб қўйсангиз, бутун араб тилини ташлаб қўйганингиздек бўлади.

Ёдда тутинг!

Ўз устингизда ишлашингиз керак, фақат ўқиш билан иш битмайди.

Ўқиш бу – қобилиятларни чархлашдир.

6. Араб тилида хаёл суринг, ўйланг. Ҳаётӣ ҳолатларда араб тилида гапириб юринг.

Кўчадаги турли хил ёзувларни таржима қилинг.

Бу унчалик қийин эмас, ишонинг бунга кўп сўз билишинг ҳам ҳожати йўқ.

7. Дўстларингизнинг номи ва телефон рақамларини арабчада ёзинг.

8. Ва албатта, ҳар куни 20-30 дақиқа араб тилида суҳбатлашинг. Исталган мавзуда. Ҳеч ким бўлмаса ўз аксингиз билан суҳбат қуринг.

Ҳаракат қилишингиз, ўзингизга ишонишингиз керак, деб айтишим ортиқча бўлса керак.

Вақтингизни тежанг ва иккинчи даражали нарсаларга кўп аҳамият берманг.

Асосларни олинг, сўз тузулишини яхши тушуниб олинг ва араб матнларига кўмилиб олинг.

Дарвоқеъ шахсий луғат дафтарни унутманг, унга ёзилган сўзлар албатта хотирада қолади.

Ва охирида, ҳар бир араб тили дарслигини уларни баъзиларини ўқимасангиз ҳам билиб олинг.

Ҳар бир интернет сайтларини билинг ва улардан кенг фойдаланинг.

Ўзингиз ўзлаштирган нарсани доимо бошқаларга ҳам ўргатиб қўйишга ҳаракат қилинг, бундан қочманг. Чунки бу фойдадан бошқа нарса келтирмайди.